



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

2020 йил октябрь ойи учун

2020

Январь

Февраль

Март

Апрель

Май

Июнь

Июль

Август

Сентябрь

Октябрь

Ноябрь

Декабрь

Мундарижа


I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси	2
II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....	3
Иқтисодий фаоллик ва Ишбилармонлик кайфияти индекслари	3
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	6
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	7
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	9
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	11
III. Методологик изоҳлар.....	13

I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2020 йилнинг октябрь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан **743** та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 385 таси (51,8 фоизи) саноат соҳасида, 184 таси (24,8 фоизи) хизматлар соҳасида, 88 таси (11,8 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 86 таси (11,6 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши



II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индекслари


Сўров натижалари **иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг** 2020 йилнинг сентябрь ойида кузатилган барқарорлашишидан сўнг, октябрь ойида ҳам мазкур тенденциянинг сақланиб қолганлигини кўрсатди.

Хусусан, июль ойида карантин чекловларининг кучайтирилиши шароитида иқтисодий фаоллик ҳамда ишбилармонлик кайфияти индексларининг энг паст кўрсаткичлари қайд қилинган бўлса, август ойида карантин чекловларининг юмшатилиши мазкур индексларнинг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

2020 йилнинг октябрь ойида эса сўров натижалари мазкур индексларнинг деярли сентябрь ойи даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатди.


Бунда, октябрь ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ)** **53,2** ни ташкил этиб, сентябрь ойига (**53,1**) нисбатан **0,1** бирликка ошган бўлса, **ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ)** **58,8** ни ташкил этиб, (сентябрь ойида **59,3**) **0,5** бирликка камайган.

3-расм. Иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг шаклланиши



Тармоқлар кесимида қаралганда, карантин даврида иқтисодий фаолликнинг энг юқори тушиш даражаси кузатилган хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларида карантин чекловлари юмшатилишидан кейин **иқтисодий фаолликнинг** бошқа тармоқларга қараганда жадалроқ суръатларда тикланаётганлиги кузатилди.

4-расм. Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг шаклланиши



Хусусан, хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик индекси октябрь ойида тармоқлар орасида энг юқори даражада шаклланиб, июль ойидаги 24 дан, 58,2 гача (сентябрь ойига нисбатан эса 1,2 бирликка) ошган.


Шу билан бирга, саноат, қурилиш ва савдо соҳаларида ҳам август-сентябрь ойларида иқтисодий фаоллик даражасининг ўсиши кузатилган бўлса, октябрь ойи учун ўтказилган сўров натижалари мазкур ойда иқтисодий фаолликнинг бирмунча сусайганлигини кўрсатмоқда.

Бунда, саноат ва қурилиш соҳаларидаги иқтисодий фаоллик индекси октябрь ойида 50,2 ни ташкил қилган бўлиб, сентябрь ойига нисбатан мос равишда 0,3 ва 0,8 бирликка пасайган. Ўз навбатида, савдо соҳасида иқтисодий фаоллик индекси ҳам сентябрь ойидаги 54 дан 52,3 гача пасайган. Мазкур ҳолат тармоқларда иқтисодий фаолликнинг мавсумий омиллар таъсирида пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин¹.

¹ Сўровларни ойлик тартибда ўтказиш амалиёти жорий йилнинг июнь ойидан йўлга қўйилганлиги сабабли, ҳозирда иқтисодий фаолликнинг шаклланишида мавсумий омилларнинг таъсирини баҳолаш имконияти мавжуд эмас.

Шунингдек, тармоқлар кесимида **ишбилармонлик кайфияти индексининг** июль-август ойларидаги карантин чекловлари кучайтирилиши ва юмшатилиши натижасида мазкур ойларда ўзгарувчан тенденцияга эга бўлганлиги, октябрь ойига келиб эса барқарорлашганлиги кузатилди.

5-расм. Иқтисодиёт тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг шаклланиши




Бунда, октябрь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси сентябрь ойига нисбатан қурилиш соҳасида 1,1 бирликка ошган бўлса, саноат соҳасида 0,1 бирликка, хизматлар соҳасида 1 бирликка, садо соҳасида 1,9 бирликка пасайган.

Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Жорий йилнинг октябрь ойида саноат соҳасидаги **иқтисодий фаоллик индекси** деярли сентябрь ойи (50,5) даражасида сақланиб қолган бўлиб, 50,2 ни ташкил қилди.

6-расм. Саноат соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Бунда, мазкур индекс таркибидаги **ишлаб чиқариш ҳажми** ҳамда **иш ўринлари сонининг** ўзгариши бўйича ҳисобланган индекслар сентябрь ойига нисбатан **1,8** бирликка камайган бўлса, маҳсулотларга **буюртмалар** индекси 2,6 бирликка ошган.

7-расм. Саноат соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Октябрь ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ҳам деярли ўзгаришсиз қолди (сентябрь ойига нисбатан 0,1 бирликка камайган). Индекс таркибидаги **маҳсулотларга буюртмалар** ҳолати бўйича ҳисобланган индекс 2,6 бирликка ошган бўлса, **ишлаб чиқариш** ва **иш ўринлари сони ўзгариши** бўйича кутилмалар мос равишда 2,8 ва 0,8 бирликка камайган.

8-расм. Саноат корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шунингдек, октябрь ойи якунлари бўйича ўтказилган сўров натижалари соҳадаги корхоналарнинг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси** август ойидан бошлаб яхшиланиш тенденциясига эга бўлиб келганлигини кўрсатди. Фақатгина октябрь ойида корхоналарнинг **айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати** индексининг 62,2 дан 61,8 гача ёки 0,4 бирликка пасайиши кузатилди.

Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Қурилиш ишлари соҳасида октябрь ойида **иқтисодий фаоллик индексининг** сентябрь ойидаги 51 дан 50,2 гача ёки 0,8 бирликка камайиши асосан, бажарилган қурилиш ишлари ҳажми индексининг 54,2 дан 53,5 гача ва иш ўринлари сони индексининг 50,6 дан 48,8 гача камайиши билан боғлиқ ҳисобланади. Мазкур ҳолат, октябрь ойида қурилиш ишлари ҳажмининг мавсумий секинлашиши билан изоҳланиши мумкин.

9-расм. Қурилиш соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




Шу билан бирга, тармоқда **ишбилармонлик кайфияти индексининг** октябрь ойида сентябрь ойидаги **51,2** дан **52,3** гача ошиши кузатилди. Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси **3** ойда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ кутилмалари **2,3** бирликка, қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши бўйича кутилмалари **1** бирликка ҳамда буюртмалар жорий ҳолати² индекси **0,1** бирликка ошган.

10-расм. Қурилиш соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



²Буюртмаларнинг жорий ҳолати қурилиш корхоналарининг келгуси даврдаги фаоллигини баҳолайди.

11-расм. Қурилиш соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Жорий йилнинг октябрь ойида қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолатининг ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолатининг мос равишда 4,4 ҳамда 3,8 бирликка яхшиланиши кузатилди.


Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Хизматлар соҳасида август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида тармоқда иқтисодий фаолликнинг жадал тикланиши кузатилиб, юқори трендлар октябрь ойида ҳам сақланиб қолди.

12-расм. Хизматлар соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари




13-расм. Хизматлар соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Хусусан, октябрь ойида хизматлар соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** сентябрь ойига (57,0) нисбатан 1,2 бирликка ошиб, **58,2** ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик индексининг компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажмида (1,4 бирликка) ва иш ўринлари сонидан (3,3 бирликка) ўсиш тенденцияси кузатилди.

14-расм. Хизматлар соҳаси корхоналарининг молиявий ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати




Шу билан бирга, октябрь ойида хизматлар соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индекси** сентябрь ойидаги **65,6** дан **64,6** гача пасайган бўлиб, мазкур пасайиш респондент корхоналарнинг хизмат кўрсатиш ҳажми индексининг 3,8 бирликка, хизматларга талаб индексининг 3,3 бирликка пасайганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, хизматлар соҳаси корхоналарининг тармоқда иқтисодий фаолликнинг тикланиши шароитида, молиявий ҳолати ва айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасининг ҳам бир маромда яхшиланиши кузатилди. Хусусан, октябрь ойида респондентларнинг молиявий ҳолати индекси 3 бирликка, айланма маблағлар таъминланганлик ҳолати индекси 4,2 бирликка яхшиланди.

Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар


Жорий йилнинг октябрь ойида савдо соҳасида **иқтисодий фаоллик индексининг** 54 дан 52,3 гача ёки 1,7 бирликка пасайиши кузатилди.

15-расм. Савдо соҳасининг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари



Соҳада иқтисодий фаоллик индексининг пасайиши маҳсулотлар сотув ҳажми индексининг ҳамда иш ўринлари сони индексининг мос равишда 2,8 ва 0,6 бирликка камайиши ҳисобига шаклланди.

16-расм. Савдо соҳасида кутилмаларнинг шаклланиши



Шу билан бирга, савдо соҳасида октябрь ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шаклланган бўлсада, мазкур кўрсаткич сентябрь ойидаги 60,6 дан 58,7 гача пасайди. Мазкур ҳолат, савдо корхоналарининг маҳсулотлар сотув ҳажми (7,1 бирликка) ҳамда иш ўринлари сони ўзгариши (2,7 бирликка) бўйича келгуси 3 ойдаги кутилмаларининг пасайганлиги билан изоҳланади.

III. Методологик изоҳлар

Иқтисодий фаоллик индекси – корхоналарнинг жорий иқтисодий фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади. Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ иқтисодий фаоллик индекслари эса, ўз навбатида, ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажми, ишчилар сони, буюртмалар (талаб) ва товар-хом ашё захиралари ҳажми ўзгариши ҳолатини акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Иқтисодий фаоллик индекси 0 дан 100 гача бўлган ораликда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши жорий иқтисодий фаолликнинг ижобий шаклланганлигини кўрсатади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси (*Business confidence index*) – корхоналарнинг келгуси даврлар учун иқтисодий кутилмаларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ ишбилармонлик кайфияти индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади.

Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ ишбилармонлик кайфияти индекси ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш), буюртмалар (талаб), тайёр маҳсулотлар захиралари ҳажми ва ишчилар сони ўзгариши бўйича кутилмаларни акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси 0 дан 100 гача бўлган ораликда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши келгусида иқтисодий фаолликнинг ижобий ўзгаришини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланган

E-mail: sturginboev@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09